



# Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

## O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta



t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi



facebook.com/uzbekistonovozi



instagram.com/uzbekiston\_ovozi



www.uzbovozi.uz



info@uzbovozi.uz

№33

2025-yil

20-avgust, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqa boshlagan



# УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ



Қашқадарё – дунё тан олган саркардалар, хассос қалбли ижодкорлар, мард ва самимий, фидойи инсонларга бешик бўлган табаррук диёр. Гўзал воҳага ижодий учрашувга келган сеvimли шоирамиз Хосият Бобомуродова мухлислари йиғилган тумонат даврада Қашқадарё аёлларига ҳавас билан мурожаат этди:

- Бибихоним авлодлари бўлган Қашқадарёнинг гўзал аёллари, менга бир сиригини айтинг. Сизнинг бешиқларингизда буюклар улғайган, ҳозир ҳам улғаймоқда. Қани айтинг, сиз Соҳибқирон бобомиз, Абдулла Ориповдек буюклар бешигини тебрата туриб, қандай алла айтгансиз, нималар деб айтгансиз?..

Бу савол даврадаги барчани ҳаяжонга солди. Савол-сўровдан шунчалар бошимиз осмонга етдики, шунчалик ғурурландикки... Ва кўнглимиздан шундай ният ўтди: "Илоҳим, буюклар бешигини тебратиш қизларимизга, келинларимизга насиб этсин..."

Шу нарса аниқки, фахрланишгача бўлган йўлни осон ўтиб бўлмайди, бу бахт, бу саодат ўз-ўзидан келмайди. Юсак маънавият, маърифатгина бу саодатли йўлга бошлайди.

«Маънавият нима? Бу синоатнинг асоси, устун нима?», деб саволлар берамиз. Кимдир миллий ўзлгимиз, дейди, кимдир одоб-ахлоқ, яна кимдир аждодларимиздан қолган мерос, асрлардан буён ўлмас қадриятларимиз, маданиятимиз, дейди. Ҳаммаси тўғри. Лекин унинг асоси – ахлоқ, тарбия.

► (Давоми 6-бетда)

### ПАРЛАМЕНТ МУҲОКАМАСИ

## МАРКАЗИЙ БАНК РАИСИ ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИГА ЖАВОБ БЕРДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мунозараларга бой навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Анъанага кўра, унда бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Қуйи палатанинг кун тартибида кўрилган биринчи масала — давлат органининг ёки унинг мансабдор шахсининг қонунга хилоф қарори, ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги тўғрисида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.

► (Давоми 2-бетда)

### ТАЪЛИМ

## ЯНГИ АВЛОД ТИББИЁТ МУТАХАССИСЛАРИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЯНЧИ

Сўнгги саккиз йилда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасидаги ташаббуслар ўз самарасини бермоқда. "Инсон қадрини учун" деган улғуғ фоя асосида тиббиётнинг барча бўғини, жумладан, бирламчи тиббий-санитария ёрдамидан тортиб, юқори технологияли ихтисослашган хизматларгача янгиланмоқда. Хусусан, чекка ҳудудларда замонавий шифохоналар ва поликлиникалар барпо этилиб, аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

► (Давоми 7-бетда)

### ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР УЧУН

### ИШ ЎРНИ ЗАХИРАСИ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ



► (Давоми 3-бетда)

## ПАРЛАМЕНТ МУҲОКАМАСИ

# МАРКАЗИЙ БАНК РАИСИ ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИГА ЖАВОБ БЕРДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур қонун лойиҳаси билан етказилган зарарнинг ўрнини компенсация қилиш, ҳудудий компенсация жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилган маблағларни кейинчалик айбдор деб топилган давлат органининг мансабдор шахсидан тўлиқ микдорда регресс тартибда ундириб олиш, ҳудудий компенсация жамғармаси маблағларини шакллантириш тартиби белгиланмоқда.

Яъни, жисмоний ёки юридик шахсга етказилган ҳамда суднинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқланган моддий ва (ёки) маънавий зарарнинг ўрнини қоплашда ягона амалиёт йўлга қўйилиб, етказилган зарар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ҳудудий компенсация жамғармаларидан қопланади. Кейинчалик айбдор шахсдан тегишли давлат органи орқали регресс тартибда ундириб олинади.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар томонидан кўтарилган масалалар, таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, янада такомиллаштирилди. Айрим нормалардаги номувофиқликлар бартараф этилиб, асосий тушунчалар юридик техник жиҳатдан таҳририй қайта кўриб чиқилди.

Қайд этилишича, ушбу ҳужжат фуқароларнинг давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши тўғрисидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда айбдор мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортишни назарда тутди.

Мажлисада қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Мажлисада "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимизда қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш ва ҳуқуқий механизмларни замон талабларига мослаштиришга қаратилган.

Лойиҳада амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш механизмларини, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ҳамда товар белгилари ва патент божлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, лойиҳада товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши, юридик ва жисмоний шахсларнинг эгаллик ҳуқуқи манфаатдор шахснинг аризидаги биноан суд қарори асосида тугатилиши мумкинлиги таклиф этиляпти. Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланилганда эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган оғохлантирувчи тамга қўйилиши мумкинлигини белгилаш кўзда тутилмоқда.

Лойиҳада ишонч телефони тушунчасига изоҳ берилиб, уни жисмоний ва юридик шахслардан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун телефон алоқасининг махсус линияси сифатида назарда тутиш белгиланяпти.

Қонун лойиҳаси давлат органлари фаолиятида ҳуқуқий аниқлик ва барқарорлиқни таъминлаш, муносабатлар билан ишлаш жараёни тезкор ва шаффоф бўлиши, интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқий муҳофаза даражасининг ошиши ҳамда бизнес юритиш учун қўлай муҳит яратиш каби мақсадларни назарда тутган.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорати тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун



## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ОРАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ҲАМДА СПОРТ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ЮЗАСИДАН АСОСЛАНТИРИЛГАН ТУШУНТИРИШЛАР БЕРИШ ҲАҚИДА СПОРТ ВАЗИРИГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ.

лоийҳаси бўлди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини такомиллаштириш, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш кўзланмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергияси агентлиги соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли орган сифатида белгиланяпти.

Шу билан бирга, лойиҳа билан давлат органлари, вазирлик ва идораларнинг номлари ҳамда ҳуқуқий атамалар амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирилмоқда. Шунингдек, юридик-техника қоидаларидан келиб чиқиб, нормаларни аниқлаштириш ва улар ўртасидаги уйғунликни таъминлаш мақсадида тегишли ўзгартишлар киритилляпти.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ялпи мажлисада, шунингдек, Марказий банк раиси Т. Ишметовнинг "Банк тизимини ислоҳ қилиш ва тижорат банкларини трансформация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар"га оид парламент сўровига жавоби атрофлича муҳокама этилди.

Айтиб ўтилганидек, 2020–2025 йилларда 3 та банк хусусийлаштирилиб, 9 та янги хусусий банк, шу жумладан, 3 та хорижий молия муассасаси фаолияти йўлга қўйилган. Бунинг натижасида давлат улushiга эга банклар активлари 85 фоиздан 65 фоизгача қисқарган.

Депутатлар парламент сўровига олинган жавобда келтирилган натижаларни ижобий баҳолади. Хусусан, 2020–2025 йиллар давомида давлат улushiга эга банкларнинг капитал базасини мустаҳкамлаш мақсадида жами 34,1 трлн. сўм маблағ йўналтирилган.

Мазкур чоралар кредитлаш имкониятларини кенгайтириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва тизимнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилган.

Халқ вакиллари келгусида аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматларни ривожлантириш мақсадида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини кенгайтириш зарурлигини қайд этишди.

Муҳокама чоғида кредит ажратишда шаффофликни ошириш ва инсон омилни камайтириш мақсадида oilakredit.uz платформаси ишга туширилгани депутатлар эътиборида бўлди.

Мажлис якунида тақдим этилган парламент сўровига жавоб маълумот учун қабул қилинди.

Депутатлар Спорт вазири А. Икромовга "Аҳолининг кенг қатламлари, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар орасида жисмоний тарбия ва спорт бўйича оммавий тадбирларни ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги парламент сўровини мавзу ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг спорт билан мунтазам шугулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, халқаро спорт мусобақаларида муносиб иштирок этишларини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги, "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонунлар, шунингдек, Президентимизнинг 2024 йил 8 ноябрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этиш орқали жисмоний реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, таҳлиллар соҳада ўз ечимини қутаётган айрим муаммолар сақланиб қолинаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, депутатлар давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қароридан белгиланган айрим масалалар ижроси тўлиқ таъминланмаганига эътибор қаратди. Хусусан, республикамиздаги спорт мактабларининг салмоқли қисми, айниқса, муайян спорт турига иxtисослашган муассасалар махсус спорт жиҳозлари билан тўлиқ таъминланмаган.

Мажлиса юқоридагилардан келиб чиқиб, аҳолининг кенг қатлами, инчунун, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар орасида жисмоний тарбия ҳамда спорт бўйича оммавий тадбирларни ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтиришлар бериш ҳақида спорт вазирига парламент сўрови юборилди.

Лазиза ШЕРОВА,  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг мажлисида "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида"ги Қонун ҳамда Гендер тенгликка эришиш стратегиясининг ижро ҳолати муҳокама этилди.

## ҚЎМИТА АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ноширлик фаолияти соҳасини такомиллаштиришга, сифатли адабиётларни чоп этишни қўллаб-қувватлашга, китобхонлик маданиятини оммалаштиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги 4 йилда нашриётлар сони 3,5 баробарга кўпайиб, 590 тага етган, шундан хусусий нашриётлар 531 тани (90 фоиз) ташкил этмоқда. Нашриётларнинг ишлаб чиқариш қуввати 2 баробар ошиб, ҳар йили ўртача 11 минг номда (олдин 7 минг) 40 миллион нусхада китоблар нашр этилмоқда.

Соҳага 25 млн доллар тўғридан-тўғри инвестициялар киритилиб, 2025 йил 1 январдан бошлаб нашриёт корхоналари фойда солиғини тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинди.

Таҳлиллар амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, ҳозирда нашриёт бош муҳаррирининг ҳуқуқий мақоми, унга қўйиладиган талаблар ва масъулиятига оид нормаларнинг йўқлиги амалиётда айрим муаммо ва камчиликларни келтириб чиқармоқда.

Жумладан, китобларда қонунчилик ва ижтимоий ахлоққа зид, болаларнинг ёш хусусиятларга мос бўлмаган, тарихий фактлар ва тиббиётга оид китобларда нотўғри маълумотлар нашр этилиши, шунингдек, чоп этилган китоблар давлат стандартлари талабларига мос эмаслиги кузатилмоқда. Нашриётларнинг 248 тасида бош муҳаррир лавозими йўқ.

Қонунда бир қатор янги нормалар белгиланмоқда. Хусусан, бош муҳаррир лавозимига олий маълумотга ва ноширлик фаолиятида камида уч йил иш стажига эга бўлган шахс тайинланиши мумкинлиги қайд этилмоқда. Бунда бош муҳаррир нашриётнинг ижодий фаолияти учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлиши белгиланмоқда. Бундан ташқари, бош муҳаррир нашрларнинг мавзу йўналишларидан келиб чиқиб, тегишли экспертлар ва олимларнинг ёки илмий-тадқиқот муассасаларининг тақрирларини мустақил равишда олишга ёки муаллифдан (муаллифлардан) уларнинг тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланмоқда.

Муҳокама давомида қонуннинг қабул қилиниши китобларнинг миллий стандартлар асосида чоп этилишига, китобларда қонунчилик ва ижтимоий ахлоққа зид мазмундаги ахборотлар тарқатилишининг олдини олишга ҳамда нашриётларнинг ижтимоий масъулиятини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, мажлисада гендер тенгликка эришиш стратегиясининг ижро ҳолати муҳокама этилди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Ички ишлар вазирликлари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси масъулларининг масала юзасидан ахбороти эшитилди.

Сенаторлар томонидан ижроси ортада қолаётган вазифалар ижросини, хусусан, мазкур йўналишлардаги халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон ўрнини яхшилаш бўйича ишларни янада жадаллаштириш бўйича таъсирчан чоралар кўриш юзасидан тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, гендер тенгликка эришиш стратегиясининг ижро ҳолатига доир долзарб масалалар юзасидан таҳлилий маълумотларни Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига тақдим этиш назарда тутилмоқда.

Мажлис якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

senat.uz



ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН

## ШАХСЛАР УЧУН

ИШ ЎРНИ ЗАХИРАСИ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ

**Конституциямизнинг 14-моддасида таъкидланганидек, давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлиги ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади. Соддароқ қилиб айтиш мумкин, ҳар бир янгилик, барча жабҳадаги ислохотлар аҳоли манфаатлари асосига қурилиши лозим. Ушбу мақсадга эришиш ҳамма учун тенг шароит ва имкониятлар яратишни тақозо этади.**

Орамизда шундай одамлар борки, уларнинг жисмоний имконияти чекланганига қарамай, қучли руҳияти, матонати ва шижоати билан жамиятда ўз ўрнини топа олган. Ҳа, улар, сиз тахмин қилганингиздек, ногиронлиги бўлган шахслардир. Ўзбекистонда ушбу қатлам вакиллари сони бир миллионга яқинлашиб қолган.

Йиллар давомида жамиятимизда ногиронлиги бўлган шахсларга бемор сифатида қараб келинган сир эмас. Уларда кўпинча ишлаш, таълим даражасини ошириш ва жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этишда бирдек имконияти йўқ эди. Қувонарлиси, бундай нотўғри қарашлар ортга чекина бошлади. Ногиронлиги бўлган шахслар ишга яроқсиз фуқаро эмас, балки жамиятнинг керакли аъзоси, кези келганда салоҳияти юксак мутахассислар эканини замоннинг ўзи исботламоқда. Айниқса, охириги 5-6 йилда бу борада муҳим қадамлар ташланди, қатъий позиция белгиланди. Бунинг давлат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар, қабул қилинаётган қарор ва фармонлар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Президентимизнинг жорий йил 4 август куни қабул қилинган "Меҳнат муносабатлари ва касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда иш берувчиларни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кўра, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси янада кенгаймоқда.

Мазкур ҳужжатда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар юзасидан парламент вакиллари ҳамда ҳуқуқшунослар фикрлари билан қизиқдик. Уларнинг таъкидлашича, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ижтимоий давлат тамойилининг муҳим бўғини саналади ва бу борада ҳали қилиниши керак бўлган ишлар бор.

**Эркин ГАДОЕВ,**  
Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси:



— Ўзбекистон ХДП сайловолди дастурида ҳамда амалий ишларида ижтимоий ҳимояни кучайтириш ғоялари устуворлик касб этади. Яъни, партиямиз мамлакатнинг тобора юксалаётган иқтисодий салоҳияти аҳолининг кам

таъминланган қатламлари турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш учун хизмат қилиши керак, деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан яхшилаш мақсадида илғор хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, зарур чоралар қўрилиши керак.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармонида ходим ва иш берувчи ўртасида самарали, адолатли ҳамда ўзаро манфаатли меҳнат муносабатлари тизимини яратиш назарда тутилмоқда. Бунинг учун ходимнинг касбий малакаси ҳам инобатга олинади. Шу мақсадда эндиликда касбларга ўқитиш билан бир қаторда



**ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЖАМИЯТИМИЗДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА БЕМОР СИФАТИДА ҚАРАБ КЕЛИНГАН СИР ЭМАС. УЛАРДА КЎПИНЧА ИШЛАШ, ТАЪЛИМ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ТЎЛАҚОНЛИ ИШТИРОК ЭТИШДА БИРДЕК ИМКОНИЯТИ ЙЎҚ ЭДИ. ҚУВОНАРЛИСИ, БУНДАЙ НОТЎҒРИ ҚАРАШЛАР ОРТГА ЧЕКИНА БОШЛАДИ.**

хусусий сектор иштирокида малака ошириш тизимини жорий этиш белгиланмоқда.

Биламизки, кадрлар салоҳияти ва тажрибаси ташкилот-муассаса фаолиятида ҳал қилувчи омиллардан саналади. Агар улар ўз эҳтиёжларига мувофиқ малакали кадрлар билан таъминланса, ривожланади. Фармонда мазкур масала ҳам четда қолмаган. Инсон ресурсларини бошқариш ва меҳнат муҳофазаси соҳасини ривожлантириш эса ҳужжатнинг муҳим жиҳатларидан яна бири.

Фармонга мувофиқ, 2025 йил 1 сентябрдан иш берувчилар учун жорий этилган айрим талаблар олиб ташланади. Хусусан, бандлик органлари томонидан бўш иш ўринларига юбориладиган шахсларни ишга қабул қилмаганлик учун маъмурий жавобгарлик бекор қилинади. Қолаверса, бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисида ҳисоботларни мажбурий тақдим этиш тизимига ҳам барҳам берилади. Мазкур тартиб шаффофликка, вакант ўринлар учун ходимларни танлашдаги соғлом рақобатга хизмат қилади.

Бундан ташқари, 2025 йил 1 ноябрдан

бошлаб ҳўжалик юритувчи субъектлар фақатгина ногиронлиги бўлган шахслар, Камбағал оилалар реестридаги оилалар аъзолари, оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган, ота-она қарамогидан маҳрум бўлган, муқобил жойлаштириш шаклларида тарбияланган етим шахслар учун иш ўринларининг мажбурий захирасини шакллантиради. Ушбу тартиб ходимлар сони 100 нафардан ортиқ бўлган ташкилотларга қўлланилади ва захира ўрин ходимлар умумий сонининг уч фоизидан ошмаслиги керак. Бюджет ташкилотлари ва давлат улуши 5 фоиздан юқори бўлган корхоналарда эса ходимлари сони 20 нафардан ортиқлиги ва уларнинг 7 фоизидан ошмаслиги зарур экани қайд этилган. Мажбурий захирага қўшимча равишда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар ва одам савдоси қурбони бўлган шахслар ҳам киритилади.

Яна бир масала. Ишсизлик нафақаси энди фақат меҳнат шартномаси бекор қилинган шахсларга тўланади. Бунда ишсизлик нафақаси сўнги беш йилда камида 18 ой ишлаган ва меҳнат шартномаси бекор қилинган сўнг 6 ой ичида мурожаат қилган шахсларга берилади. Маблағ суммаси фуқаронинг ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобидан аниқланади ва 3 ой давомида тўланади. Масалан, биринчи ойда ўртача ойлик иш ҳақининг 75, иккинчи ва учинчи ойларида эса 50 фоизи миқдоридан, лекин меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 бараваридан ошмаган ҳолда тўловлар амалга оширилади.

Бундан кўринадики, иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларда адолат мезонини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида ўрин берилган. Асосийси, ҳужжат ижроси томонлар манфаатларини бирдек ҳимоялашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

**Сардорбек ЮСУПОВ,**  
ТДЮУ кафедра мудири, юридик фанлари доктори, профессор:



— Бандлик соҳасини такомиллаштириш, одамларни ишли қилиш жамиятда осойишталик ва фаровонлиқни таъминлаб, мамлакат тараққиётида барқарор суръатни кафолатлайди.

Президентнинг 4 август куни қабул қилинган Фармони ушбу йўналишдаги ишларни янги сифат босқичига олиб чиқади. Ҳужжатга кўра, 2026 йил 1 январгача "Бандлик органлари – иш берувчиларнинг ҳамкори" принципини жорий этиш режалаштирилган. Бу бандлик органлари томонидан иш берувчиларга амалий билим ва кўникмаларга эга мутахассисларни топишда кўмаклашишни дастлаб Тошкент шаҳрида, кейинчалик республиканинг барча ҳудудларида жорий этишни назарда тутлади.

Шу билан бирга, хизматлар кўрсатиш, қишлоқ ҳўжалиги ва қурилиш соҳаларида фаолият юритувчи, ходимлари сони 50 нафаргача бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларга 2025 йил 1 сентябрдан "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексидан биометрик идентификация (Face-ID) орқали электрон меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилишни расмийлаштиришга руҳсат берилади. Бу одамларнинг вақти ҳамда пулини тежаш, уларга қўлайлик яратишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, "Ягона миллий меҳнат тизими" дирекциясига ташкилот



**ЭЪТИБОРЛИ ТОМОНИ, КАСБЛАРГА ЎҚИТИШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ. БУНИНГ УЧУН 2026 ЙИЛ 1 МАРТГАЧА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН КАСБЛАРГА ЎҚИТИШ АМАЛИЁТИ УЧ БОСҚИЧЛИ ТИЗИМ – ВИДЕОДАРСЛАР, КАСБЛАРГА ЎҚИТИШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ АСОСИДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ.**

туғатилиши ёки фаолиятни амалга ошириши тўхтатилиши сабабли иш берувчи билан меҳнат шартномасини бекор қилиш имкони бўлмаган тақдирда, фуқаронинг мурожаати асосида меҳнат муносабатлари ҳақиқатда туғанлиги тўғрисидаги қайдларни идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритиш ваколати берилади.

Ҳужжатнинг яна бир аҳамиятли томони, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш учун халқаро стандартларга мос тартиб-таомиллар амалиётга йўналтирилмоқда. Вакант ўринларни яшириш, қамайтириб кўрсатиш каби ҳолатларга барҳам бериб, яширин иқтисодийнинг олдини олиш масаласи ҳам ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, 2025 йил 1 сентябрдан давлат меҳнат инспекторлари томонидан ўтказиладиган текширувлар ҳақида ваколатли органни олдиндан хабардор этиш тартиби бекор қилинади. Шунингдек, 2026 йил 1 январдан идоралараро дастурий-аппарат комплексига орқали рўйхатга олинган меҳнат қонунчилиги бузилишини иш берувчи иштирокисиз кўриб чиқиш ва қонунбузилиш фактлари бўйича электрон маъмурий қарор қабул қилиш тизими жорий этилади.

Эътиборли томони, касбларга ўқитиш ва малака ошириш тизими такомиллаштирилади. Бунинг учун 2026 йил 1 мартгача Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазириги томонидан ташкил этиладиган касбларга ўқитиш амалиёти уч босқичли тизим – видеодарслар, касбларга ўқитиш ва малака ошириш асосида йўлга қўйилади.

2025 йил 1 ноябрдан бошлаб малакасини ошириш ва касбларга қайта тайёрлаш истагидаги шахсларга қўшимча таълим олиш учун "касб ваучери" бериш тартиби қўлланилади. Касб ваучери ссуда сифатида берилади. Шахс ўқишни тугатиб, сертификат олгач, ишга жойлашганидан сўнг ссудани икки йил давомида Бандликка кўмаклашиш фондига қайтаради. Аммо ушбу тартиб ногиронлиги бўлган шахслар ва Камбағал оилалар реестридаги оилалар аъзоларига тегишли эмас.

Доимий яшаш жойидан бошқа ҳудудга бориб, касб-ҳунар курсларида таълим олаётган ногиронлиги бўлган шахсларга, шунингдек, муддати уч ойдан ортиқ бўлган курсларда ўқиётган Камбағал оилалар реестридаги оилалар аъзоларига жамғарма томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир бараваридаги миқдорда стипендия тўланади. Бунда ишсизлик нафақаси тўланиши даврида стипендия тайинланмайди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.





**Энг улуг ва энг азиз айём – Мустақиллик куни тобора яқинлашмоқда. Юртимиз бўйлаб байрам шукӯҳи кезиб юрибди. Жойларда халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини, мамлакатимиз қудратини ўзида мужассам этган янги иншоотлар, бутун бошли турар жой мавзелари фойдаланишга топшириляпти. Айни паллада қай манзилга борманг, Мустақиллигимизнинг қутлуғ 34 йиллигини муносиб кутиб олиш тадоригининг устидан чиқасиз.**

**Шу маънода сўнги ҳафта ҳам юртимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим воқеликларга бой бўлди. Қуйида шулар ҳақида сўз юритамиз.**

**СИЁСИЙ ПУЛЬС: МУНОСАБАТ**

## СТРАТЕГИК МУҲИМ ВА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ТАРМОҚ

**Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаб, жаҳон бозорига юқори сифатли, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар етказиб берувчи давлатлар қаторидан ўрин олди. Ваҳоланки, бир пайтлар ўлкамизда фақат пахта хом ашёси етиштирилиб, бундан айтишга арзирли даромад кўрилмаган. Йилларки, далада умри ўтган деҳқоннинг қосаси оқармаган.**

Мустақиллик даврига келиб, айниқса, сўнги йилларда Ўзбекистон тўқимачилик саноати жадал суръатда ўсаётган, инвестицион жозибadorлиги ва экспорт салоҳияти ошиб бораётган, миллий иқтисодиётимизнинг стратегик муҳим тармоқларидан бирига айланди. Охириги беш йилнинг ўзида бу тармоқда 3,5 миллиард долларлик 396 та корхона ишга туширилди. Ишлаб чиқариш ҳажми 10 миллиард долларга етди. Бугунги кунда мазкур йўналишда 500 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланган бўлиб, тўқимачилик мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмининг 3 фоизини, саноатнинг 14 фоизини ташкил этмоқда.

Бироқ айни пайтда дунё бозорига мураккаб вазият, талаб ва нарх пасайиши каби омиллар соҳани ривожлантириш бўйича зарур чораларни кўришни тақозо этапти. 13 август куни Президент раислигида тўқимачилик соҳасида экспорт имкониятлари ва захираларни ишга солиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада янги таклиф-ташаббуслар илгари сурилди.

Таъкидланганидек, сўнги уч йилда жаҳонда пахта нархи тоннасига ўртача 3 минг доллардан 1,5 минг долларга тушди. Шунини ҳисобга олган ҳолда 2022-2023 йиллар учун пахта хом ашёсига берилган имтиёзли кредит 3 марта узайтирилди, ўтган йили ҳар бир тоннага 1 миллион сўмдан субсидия берилди.

Кўплаб тўқимачилик корхоналарининг тижорат кредитидан қарздорлиги бор. Атиги 16 фоиз корхона халқаро сертификатга эга. Оқибатда уларнинг ташқи бозорда рақобат қилиши қийин кечмоқда.

Мамлакатимиз Европа бозорига божсиз экспорт қилиш имконини берувчи "GSP+" имтиёзлар тизимига қўшилган. Лекин соҳадаги етакчи брэндлар билан ҳамкорлик ва экспорт миқёси бунга яраша эмас.

Йиғилишда соҳани молиявий соғломлаштириш ва таннархни камайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Жумладан, бу йилги пахта ҳосилини ўз вақтида териб олиш учун фермерларга тоннасига 1 миллион сўмдан субсидия берилди. Корхоналар ўз маблағи ҳисобидан пахта етиштиришга ёки харид қилса, хом ашё қийматининг 10 фоизи қоплаб берилди.

Эндиликда тўқимачилик занжирининг барча корхоналарга ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз қилиб белгиланади. Бунда ижтимоий реестр бўйича талаб бекор қилинади, умумий фаолиятда тўқимачилик улушига талаб эса 90 фоиздан 70 фоизга туширилади. Ип-калаванинг таннархига электр энергияси қиймати ҳам таъсир қилляпти. Шу боис энди корхоналарга ўз эҳтиёжи учун ўрнатилган қуёш панелларини тармоққа улашга руҳсат берилди. Бундай имкониятлар фаолиятни ривожлантириш учун

таянч бўлади. Ўзида толани қайта ишлаш қуввати йўқ кластерлар ип-йигирув корхоналари билан самарали кооперация тизимини йўлга қўйиши зарур. Акс ҳолда, кейинги йилдан уларнинг кластер мақоми бекор қилинади ва пахта ҳосили учун имтиёзли кредит берилмайди. Ҳукуматга бундай кластерлар учун жозибador молиявий чоралар жорий қилиш топширилди.

Дунё тўқимачилик саноатида сунъий тола ва аралаш мато кўп ишлатилиши маълум. Маҳаллий корхоналаримиз маҳсулотлари таркибининг 90 фоизи пахта. Натижада юртимизда тайёрланаётган ип-кавала ва матонинг нархи рақобатчиларга нисбатан ўртача 10-15 фоиз юқори бўлиб турибди. Бу эса, аниқки, жаҳон бозорига талабни сусайтиради. Шу боис корхоналаримизни арзон хом ашё билан таъминлаш мақсадида 2028 йил 1 январьгача аралаш мато ва газлама божхона божидан озод этилиши белгиланди. Экспортчи корхоналарга туманларда филиал очиш учун Савдон ривожлантириш компаниясидан беш йил муддатга 10 миллиард сўмгача Марказий банк асосий ставкасида кредит ажратиладиган бўлди. Хорижлик дизайнер, технолог, конструктор ва маркетингларнинг ойлик маоши ҳам қоплаб берилди. Фақат шарт – 200 та иш ўрни очиш ва одамларга муносиб иш ҳақи тўлаш керак.

Техник тартибга солиш агентлигига тўқимачилик корхоналарининг халқаро сертификат олишига кўмаклашиб, уларни 300 тага етказиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, корхоналар фаолиятида сунъий интелектни қўллаш орқали даромадни 20-30 фоизга ошириш ҳамда яширин иқтисодиёт омиллини камайтириш мумкинлиги қайд этилди. Бу борада тўқимачилик корхоналарида "ERP" тизимини жорий қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўрилди. Яъни, республикамизда Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги ташкил қилинадиган бўлди. У тўқимачилик, чарм ва ипак саноат тармоқларига масъул бўлади. Агентлик учун алоҳида жағмага тузилиб, давлат кўмаги ва корхоналарга арзон айланма маблағ у орқали берилди. Жағмага 200 миллион доллар ажратилади. Ташкилот ҳузурида тажрибали тadbиркорлардан иборат кенгаш ҳам тузилади.

Таннарх, ишлаб чиқариш ва экспорт бўйича натижадорликни ошириш, кооперацияни кучайтириб, паст қувватда ишлаётган корхоналарни соғломлаштириш – бу янги агентлик олдида турган биринчи галдаги вазифалардир. Буларнинг барчаси пировардида яна минглаб юқори ҳақ тўланадиган иш ўринларини яратиш ва экспортдан катта фойда олиш имкониятини оширади.



**Спорт нафақат ёш авлодни жисмонан бақувват, чинакам инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаси, балки миллат генофондини асрашга хизмат қилувчи муҳим соҳалардан бири. Бугун ўзбек спортида йил сайин салмоғи ошиб бораётган залворли ютуқлар, жаҳон ареналарида юртимиз вакилларининг муносиб ўринларни эгаллаётгани ва бу юксак халқаро минбарларда эътироф этилаётгани бежиз эмас. Барчаси мамлакатимизда оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш борасидаги изчил ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини яққол кўрсатади. Чунончи, сўнги йилларда спорт соҳасини дунё миқёсида ривожлантириш масалаларига устувор эътибор қаратилиб, иқтидорли, аҳд-у шаҳти баланд ёшларимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани янада ғурур бағишлайди.**

## ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ ОЛАМШУМУЛ ЮТУҚЛАРИ РАМЗИ

Спортни ривожлантиришда, айниқса, ёшларни олимпия спорт турларига тайёрлаш, уларни селекциялаш ва рағбатлантиришда янги ёндашувларни жорий қилиш – давр талаби. Шундан келиб чиқиб, 2022 йили Тошкент шаҳрида Олимпия шаҳарчаси қурилишига тамал тоши қўйилган эди. Меъморий жиҳатдан мукамал, энергия тежамкор ва энг илғор инновацион ечимлар асосида барпо этиладиган ушбу мажмуа кун келиб ўзбек спортининг оламшумул ютуқлари рамзига айланишига умид билдирилган.

18 август куни давлатимиз раҳбари Олимпия шаҳарчасига ташриф буюрди.

Маълумотларга кўра, қарийб 290 миллион долларлик лойиҳа доирасида қисқа вақт ичида 100 гектардан зиёд майдонда Олимпия шаҳарчаси қад ростлади. Қурилиш ишлари "САНС Engineering" компанияси томонидан халқаро талабларга мувофиқ амалга оширилган.

Шаҳарчада 5 та асосий спорт мажмуаси жойлашган. Хусусан, мураккаб муҳандислик ечимлари асосида велодром барпо этилган. Халқаро Олимпия қўмитаси талабларига тўла жавоб берадиган ушбу мажмуа кўп функцияли бўлиб, бу ерда стол тенниси, қиличбозлик бўйича мусобақа ва машғулотлар ўтказиш ҳам мумкин. Бундай даражадаги велодром Ўзбекистонда биринчисидир.

Шаҳарча марказида 12 минг ўринли стадион жойлашган. Халқаро турнирлар пайтида бу ерда тантанали маросимлар ташкил этилади. Асосийси, яшил майдон ва 9 қаторли югуриш йўлагига энгил атлетиканинг 48 та йўналиши бўйича мусобақалар ўтказилади. Жумладан, жаҳон чемпионати, Бриллидан лигаси, паратлетика баҳслари, кўзи ожизлар ўртасида IBSA йўналишини ташкил этиш мумкин. Бошқа пайтларда стадиондан маҳаллий ўқув-йиғинлар, амалий машғулотлар орқали дуал таълимда фойдаланилади.

Стадиондаги тўрт қаватли бинада терма жамоалар мутахассислари ва спорт федерациялари фаолият юритади.

Танишув асосида давлатимиз раҳбари юртимизда энгил атлетиканинг барча йўналишларини ривожлантириш бўйича топшириқ берди. Вилотлардаги стадионлар реконструкция қилиниб, энгил атлетика учун шароитлар яхшиланиши, хориждан мураббийлар олиб келиниб, спортчилар маҳоратини ошириш асосий мақсад экани айтиб ўтилди.

Шаҳарчадаги яна бир объект – улкан сув спорти саройи ҳам замонавийлиги, ҳам қулайлиги билан ўзига хос. Унда 25х50 метрли сузиш ва 25х20 метрли сувга сакраш ҳавзалари, машғулотлар учун бассейн ва тренажёр заллари бор. Барча шароитлар ва ўлчамлар халқаро олимпия стандарти талабларига жавоб беради. Бу ерда сузиш, сувга сакраш, синхрон сузиш, сув полеси бўйича қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия дастуридаги нуфузли мусобақаларни ташкил этиш имконияти бор. Уларни 2 мингдан зиёд мухлислар томоша қилиши мумкин.

Жамоавий ва яккакураш спорт турлари мажмуалари ҳам халқаро талаблар даражасида бунёд этилган. Уларнинг ҳар бири уч қаватли, 2 минг ўринли. Жумладан, биринчисида волейбол, баскетбол ва гандбол бўйича машғулот ва халқаро мусобақаларни ўтказиш мумкин. Яккакурашлар мажмуаси дзюдо, бокс, таэквондо каби спорт турларини ривожлантиришга асос бўлади.

Президент шу ерда спортчилар билан суҳбатлашди.

– Халқаро мусобақаларда байроғимизни баланд кўтариб, мамлакатимиз ривожини намойён этиясилар. Сизнинг ҳар бир ютугингиз халқимиз учун катта ғурур, ёшларимизга куч, далда. Бу ҳаракатларни давом эттириб, болаларни ортингиздан эргаштириб, спортимизни янада юксалтиришингизни тилаймиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Олимпия шаҳарчасида футбол, волейбол, теннис, чим устида хоккей, энгил атлетика кабилар бўйича 15 та очиқ майдон ҳам мавжуд. Бундан ташқари, 400 ўринли паралимпия ётоқхонаси, спорт тиббиёти илмий-амалий маркази қурилиши ишлари ҳадемай якунига етади.

Аҳамиятлиси, шаҳарчада халқаро даражадаги мусобақалар ўтказилиши билан бирга мамлакатимиз терма жамоаларининг ўқув-



машғулотлари ташкил этилади. Федерациялар спорт мактаблари билан боғланади.

Президент шу ерда соҳа мутаассидилари ва спорт федерациялари раҳбарлари билан мулоқотда бўлди.

Шу куни Президент Юқори Чирчиқ туманида барпо этилган Миллий футбол марказини бориб кўрди.

Атиги икки йил ичида қуриб битказилган ушбу марказ Мустақиллик байрамига муносиб тўёна бўлди, десак янгилашмаймиз. Бир вақтнинг ўзида 6 та терма жамоанинг ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш имконияти яратилган марказда стадионлар, ўқув биналари, спорт заллари, меҳмонхона, пляж футбол майдони, футзал манежи, бассейн ва реабилитация бўлими каби замонавий қулайликлар муҳайё қилинган.

Мажмуада профессионал футболчи ва мутахассисларни тайёрлаш учун тўртта тузилма ташкил этилди. Булар – футбол мутахассисларини тайёрлаш ва илмий-тадқиқот маркази, футбол терма жамоалари тайёрларлик маркази, Республика футбол академияси, Спорт тиббиёти ва реабилитация марказидир.

Президент улардаги шарт-шароитлар билан танишди.

Футбол тиббиёти ва реабилитация бўлимига хорижий ускуналар олиб келинган, энг илғор услублар ўзлаштирилган. Бу футболчиларга қисқа вақт ичида жисмонан тикланиш имкониятини беради.

Футбол академиясида ёш истеъодлар сараланиб, тарбияланади. Буни халқаро даражада ташкил этиш учун марказга Аргентина, Венгрия ва Хорватия каби давлатлардан мутахассислар жалб қилинган. Улар малакали мураббий, ҳакам, таҳлилчи, селекциякер ва футбол менежерларини тайёрлашда иштирок этмоқда. Мажмуада "VAR маркази" ҳам ташкил этилган.

Давлат раҳбари шу ерда спорт фахрийлари ва ёш футболчилар билан суҳбатлашди. Ўзбекистонда футбол энг оммавий спорт экани, уни ривожлантириш изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Дарҳақиқат, ўзбек футболда сўнги йилларда сифат ўзгариши юз бермоқда. Ватанимиз тарихида биринчи марта миллий терма жамоаси жаҳон чемпионатида чиққани бунинг ёрқин далили. Жорий йил апрель ойида Саудия Арабистонида бўлиб ўтган Осиё кубогига 17 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоамиз биринчи ўринни эгаллагани соҳада умидли авлод етишиб чиқаётганидан далолат беради.

Президент марказда ана шу ёш футболчиларимиз билан учрашди.

– Сизлар иродали ғалабангиз билан, халқимиз меҳнат қилса, ҳаракат қилса, ҳамма нарсага қодир эканини яна бир бор исботладингиз. Бутун дунё сизнинг тимсолингизда азм-у шижоатли, ғурури баланд, ҳеч қачон интилишдан қайтмайдиган янги Ўзбекистон авлодини кўрди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шубҳасиз, Ўзбекистон спорт соҳасида улкан ютуқларга эришаётган давлатлардан бири. Спортни ривожлантириш ва унинг оммавийлигини оширишга қаратилаётган эътибор ва айни эзгу мақсадлар учун қиритилаётган инвестициялар ўз натижасини бермоқда. Бунинг самарасида келгусида ўзбекистонлик спортчилар янада юқори марраларни эгаллашда давом этишига ишончимиз комил.

**Фарида МАҲҚАМОВА,  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.**

ШУКУҚ

**Мустақиллик байрамини катта тайёргарлик билан кутиб олиш эзгу анъанага айланган. Чунки бу сана миллат ва халқ тақдири билан боғлиқдир. Байрам арафасида босиб ўтган йўлимиз, амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларни кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиий.**

**Мустақилликнинг 34 йиллиги ҳам юртимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш, янги Ўзбекистон асосларини мустаҳкамлаш борасидаги дадил ҳаракатининг навбатдаги босқичи бўлди.**



Айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой, ёшлар сиёсати, маданият ва спорт каби соҳаларда амалга оширилган ислохотлар – мустақиллик шарофати билан шаклланган сиёсий-ҳуқуқий заминнинг амалдаги натижаларидир. Жойларда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш жараёни шиддат билан кечмоқда. Замонавий корхоналар, йўл ва коммуникация тармоқлари, шина турар жойлар, янги боғча ва мактаблар, олийгоҳлар ҳамда маданият масканлари, тиббиёт ва спорт иншоотлари барпо этилмоқда.

Инсон ҳамиша бахтли яшашга интилади. Хонадонни тинч, турмуши фаровон бўлишини, орзу-ниятларининг ушалишини истайди, ҳеч кимдан кам бўлмасликка ҳаракат қилади. Дунёга назар солайлик, шундай ўлкалар борки, тўқнашув ва зиддиятлардан энг кўп оддий одамлар, аёллар, болалар азият чекапти.

Шукрки, она Ватанимиз тинч. Ҳеч бир қўрқувсиз остона хатлаб кўчага чиқамиз, оиламиз, яқинларимиз ҳаловатда. Тўйлар тўйларга уланади. Спорт, мусиқа, таълим ва маданият, илм-фан соҳаларида юртдошларимиз, ёш йигит-қизларимиз маррани баланд олаётганини кўриб қувонамиз.

Бугун юртдошларимизнинг дил сўзларини тинглар эканмиз, барида бир ҳақиқатни кўраёلمиз: одамларимиз бугунидан, янги ислохотлардан рози!

**ЯНГИ УЙДА ЯНГИ ОРЗУЛАР**

**Шамсиддин ҲОЛОВ, шифокор:**

– Ўз уйимиз йўқлиги учун 13 йил ижарама-ижара юриб, оилам, бола-чақам билан кўп сарсон бўлдик. Маошимизнинг қарийб ярмини ижара ҳақига берардик, қолгани рўзгордан ортмасди. Ҳар доим ўз уйим бўлишини ва унда оилам, фарзандларим билан бахтли яшашни орзу қилганман.

Тўғриси, ишда ҳам, уйда ҳам ҳаёлимда фақат уй олишим керак, деган ўй юрарди. Кичкинагина маконинг бўлса ҳам, топган-тутганинда барака бўлади, одам ўз уйдан ташқарида ҳеч ҳаловат топмайди.



**БУГУН ОРЗУ-НИЯТЛАРИМ АМАЛГА ОША БОШЛАДИ. ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ЯҚИНДА СУБСИДИЯ АСОСИДА УЙЛИ, ВАТАНЛИ БЎЛДИК. БУ ВАТАНДА ЖУДА КАТТА ЕНГИЛЛИК БЎЛДИ. ФАРЗАНДЛАРИМ ҲАМ ХУРСАНД, ҚУВОНЧИМ ИЧИМГА СИҒМАЯПТИ.**

Бир йили қаҳратон қишда биз ижарада турган уйнинг эгаси чиқишимизни, уйини сотмоқчи эканлигини айтиб қолди. Қариндош-уруғимиз ҳаммаси вилоятда яшайди, борадиган жойимиз ҳам йўқ.

**ҲАЁТДАН РОЗИ КЎНГИЛЛАР ИЗҚОРИ**

Кўлим ишга бормайди, ҳаёлимда уй топиш қайғуси. Қишнинг куни, фарзандларим сарсон-саргардон бўлишини ўйлардим. Ишлаймиз, даромадимиз бор, лекин уй-жойга бирданига тўлов қилишга имкониятимиз йўқ эди. Ўз бошпанасига эга бўлиш катта бахт аслида.

Бугун орзу-ниятларим амалга оша бошлади. Имтиёзлардан фойдаланиб яқинда субсидия асосида уйли, ватанли бўлдик. Бу бизга жуда катта енгиллик бўлди. Фарзандларим ҳам хурсанд, қувончим ичимга сиғмаяпти.

Мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилган хайрли ташаббуслардан бири - кўп қаватли ҳамда арзон уй-жойларнинг қад ростлаши билан биз каби уйга эҳтиёжманд қанчадан-қанча оилаларнинг орзуси ушалди. Узоқ йиллар ўз уйи бўлишини орзу қилиб яшаган, бу орзусига қандай етишини билмай, сарсон юрган юртдошларимизнинг кўксига шамол теғди, юзлаб, минглаб одамларимиз шу уйларда янги орзулар билан янги ҳаёт бошлади.

**ЎЗБЕКИСТОНИМНИНГ БАХТЛИ ФУҚАРОСИГА АЙЛАНДИМ**

**Фаррух ФАЙЗУЛЛАЕВ, уста:**

– Қувончимни сўз билан ифодалаб беролмайман. 1982 йилда туғилганман. Фарғона вилояти Ёзёвон туманида яшайман. 3 нафар фарзандим бор.

Ота-онам ўқитувчи бўлган. Бир замонлар Қирғизистон ҳудудида яшаб, ўша ердаги мактабларда ишлашган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ёзёвонга келиб, ҳозиргача шу ерда яшашади. Мен эса Қирғизистон ҳудудида туғилганим учун ҳалигача фуқаролиги йўқ шахс эдим.

Ўзбекистон фуқаролигини оламан, деб қанча сарсон бўлдим, бормаган эшигим қолмади. Шунча йилдан бери кўп вақтим ва умримнинг ярми фуқаролик ҳужжатини олиш учун елиб-югуриш ва кутиш билан ўтибди. Лекин фуқаролик беришмади.

2016 йилда онам фуқаролиқни олди. Жорий йилнинг март ойида мен ҳам фуқароликка ўтдим.

Бор куч ва гайратимни шу юрт ривожини учун сафарбар этишга ҳаракат қиламан. Юртимиз тинч, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**УЙИМ ЎЗИМНИНГ НОМИДА**

**Фурқат ТОЖИЕВ, тадбиркор:**

– Ўзим асли қашқадарёликман. 2006 йилда Тошкентга ўқишга келдим. Институтни тамомлагач, ота-онам неча йиллар йиғиб-териб, пойтахтдан менга уй оладиган бўлишди. Уй ҳам топилди,

иш жойимга яқин, уй эгаси ҳам аввалдан таниш бўлган оғайнимиз. Нархларини келишдик, лекин муаммо кейин бошланди. Пойтахтда рўйхатда турмаганим учун кўчмас мулк сотиб ололмас эдим.

Анча йиллар уйимиз гоҳ у танишимизнинг, гоҳ бу танишимизнинг номида бўлди. Ўзимиз ўз уйимизда ижара шартномаси асосида яшардик, ҳар олти ойда вақтинчалик рўйхатни янгилаб келардик. Хуллас, югур-югурлар, қоғозбозлик ишлари жуда кўп эди. Прописка, деган бало ҳам вақтимизни оларди, ҳам асабимизни тамом қиларди. Чунки йўлларда назорат-пунктларида вақтинчалик рўйхатда турганлар жуда кўп сўроқ-савол қилинарди.

Тошкентда доимий рўйхатда турмаганим учун ҳам кўп ташкилотлар иш сўраб борганимда рад этгани эсимда. Бу бугун пойтахтда эмин-эркин юриб, яшаб, ҳеч қандай тўсиқларсиз ишлаётганлар учун лофдек туюлар, аммо буларнинг бари яқин ўтмишдаги ҳақиқат.

Шукрки, узоқ йиллар давомида фуқароларни қийнаган бу тизим билан боғлиқ муаммолар барҳам топди. Эндиликда шахснинг ҳаракатланиши, яшаш жойини танлаши, меҳнат фаолияти, таълим, соғлиқни сақлаш, давлат ва молия хизматларини олиш "прописка" тизими билан боғлиқ бўлмай қолди. Хонадон сотиб олдингми, энди у ўз номингда бўлади. Қандай яхши!

Оиламда хузур-ҳаловат бор, ҳаётимдан мамнунман. Инсонга яна бошқа нима керак? Бахт аслида шулар эмасми?..

**ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ ЭЪЗОДА**

**Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

– Халқимизни, айниқса, аёлларимизни кадрлаётган мустақиллигимизнинг ҳар бир кунига чексиз шукрона айтсак арзийди. Эсимда, ўшанда биз мактаб ўқувчиси эдик. Бизни ҳам бошқа хотин-қизлар қатори мажбурлаб далага хоҳ ўза чопиғига, хоҳ пахта теримига олиб чиқишарди. Эрта саҳардан, ҳали кўёш бош кўтармасдан то қош қорайгунча даладан бери келмасдик. Ҳаттоки, ёш болали аёллар ҳам куннинг совуғи ва иссиғига қарамай, дала четидаги иккита дарахтга арқон тортиб беланчак ясаб, унга чақалогини қолдириб, тиним билмай меҳнат қилар эди.

Баъзи пайтлари устимиздан аэроплан учиб ўтар, сариқ ачқимтил дорини устимизга ёмғирдек ёғдирарди. Бу болалар ўртасида кўллаб касалликларни келтириб чиқаргани маълум. Шулар ҳақида фарзандларимга, невараларимга сўзлаб берсам, гапларимга ишонқирамай қарашади, ростки.

Замон ўзгариб, юксалар экан, бугун аёлларнинг оиладаги, жамиятдаги ўрни

ҳам, кадри ҳам юксалди. Аёл ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг маънавиятини, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамisha кун тартибда турган долзарб масалалар қаторига кирган.

Бугун мамлакатимиз бошқарув тизимида аёлларнинг улуши ошди. Кейинги йилларда бир ярим мингга яқин хотин-қиз турли даражадаги раҳбарлик лавозимида самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу том маънода хотин-қизларнинг ижодий иқтидори, касб маҳорати ва илмий салоҳияти эътиборга олинаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон аёллари ҳар бир жабҳада ўз ўрнига эга бўлиб бораётганини барчамиз бевосита амалда кўриб, чуқур ҳис этяпмиз.

Мамлакатимизда хотин-қизларга ўз орзу-мақсадларини рўёбга чиқариши учун кўп имтиёзлар берилмоқда. Хусусан, улар таълим олиш, тадбиркорликни йўлга қўйиш, тўловсиз магистратурада ўқиш, имтиёзли уй-жойлар олиш ва бошқа кенг имкониятларга эга.

Масалан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар, тадбиркорлик қилиш истагиди бўлган эҳтиёжманд, боқувчиси бўлмаган, ижтимоий ёрдамга муҳтож, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, уй-жойи йўқ, қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзандлари бор аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, ёлғиз аёлларнинг фарзандлари боғчага имтиёзли рўйхат асосида қабул қилинади.

Хотин-қизлар нодавлат таълим ташкилотларида касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқиганда ҳаракатларнинг салмоқли қисми давлат томонидан қоплаб берилади.

2 ёшга тўлмаган болали аёлларга болани овқатлантириш учун (дам олиш ва овқатланиш учун ажратилган танаффусдан ташқари) камида ҳар 3 соатда бир марта ҳар бири 30 минутдан кам бўлмаган танаффус берилади. 2 ёшга тўлмаган икки ва ундан кўп болали аёлларга танаффуснинг муддати камида 1 соат қилиб белгиланади. Мазкур танаффуслар учун иш ҳақи камайтирилмайди.

Қонунчилигимизга кўра, 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан кўп боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили 3 иш кунидан кам бўлмаган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади. Шунингдек, уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили 14 календарь кундан кам бўлмаган иш ҳақи сақланмаган таътил берилади.

Ҳомиладор аёллар, 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни ишга қабул қилишда дастлабки синов қўлланилмайди.

Шунингдек, бугун Ўзбекистонда зўравонликдан жабр кўрган опа-сингилларимизнинг ҳуқуқий ҳимояси кучайтирилмоқда.

Бундай ғамхўрлик, шароит ва имтиёзлар аёлларимизни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

**Лазиза ШЕРОВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.**

УЧРАШУВ

**Ўзбекистон мустақиллигининг 34 йиллиги арафасида мамлакатимиз бўйлаб қутлуғ санага бағишланган байрам тадбирлари ташкил этилмоқда. Ёши улғур нурунийлар, Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари билан ўтказилаётган учрашувлар фақатгина тарихий хотираларни эмас, балки бугунги тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига янада теранроқ етиш ҳиссини уйғотаётир.**

Ана шундай унутилмас учрашувлардан бири Паркент туманининг Бозорбоши маҳалласида бўлиб ўтди. Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Мухсиддин

**ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАН ОТАХОН ҲУЗУРИДА**

Низомиддинов, партия фаоллари ва Ёшлар парламенти аъзолари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 100 ёшни қаршилаган фахрий Анорбой ота Жалилов хонадониди бўлди.

Файзли хонадонда меҳмонларни кутиб олган Анорбой ота кексайиб қолган бўлса-да, овозидаги қувват ва юзидаги табассумдан ҳаётий куч сезилиб туради. Сўхбат бошида у болалигини эслаб, уруш йилларидаги оғир кунлардан сўзлаб берди.

— Ноннинг бир бурдасига зор

бўлган пайтларни ҳам кўрдик, болаларимизни оч қолмасин деб, кўзимизда ёш билан ишлаган кунларимиз кўп бўлган эди. Аммо ҳеч қачон умидни йўқотмадик, сабр ва матонат билан яшадик, — деди отахон. — Бизнинг давримизда китоб топишнинг ўзи мушкул эди. Бугун эса кутубхоналар, мактаблар, ҳатто телефонларингизда ҳам илм дурдоналари бор. Тил ўрганишлар, билим олинлар, чунки билим — энг катта қурол. Айниқса, қизларимизнинг ўқимишли, илмли бўлиши жуда муҳим. Она илмли

бўлса, авлод маърифатли бўлади. Шу билан бирга Ватанга садоқатли бўлинглар. Ватан она каби азиз ва мўътабар.

Депутат Мухсиддин Низомиддинов айтиб ўтганидек, Янги Ўзбекистонни бунёд этишда ёшларнинг ўрни беқиёс. Шунинг учун бундай учрашувлар фақат байрам арафасида эмас, балки йил давомида мунтазам ташкил этилиши зарур. Зеро, нурунийларнинг умр йўли ёш авлод учун ҳаётий сабоқдир.

Анорбой отанинг ҳаётий



тажрибаси, теран мулоҳазалари ёшларда ватанпарварлик туйғуларини янада мустаҳкамлади. Учрашув якунида фахрийга эсдалик совгалари тақдим этилди.

**Баҳодир КАМОЛОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши шўъба мудир.**

# УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ



**Комила КАРОМОВА,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

## ► (Давоми. Боши 1-бетда)

Эслилик, машхур ёзувчимиз Ўлмас Умарбековнинг "Одам бўлиш қийин" асарини барчамиз севиб, ҳаяжонланиб мутолаа қилганмиз. Хулоса нима эди? Олим бўлиш осон, аммо одам бўлиш қийин! Фақат жисман эмас, балки маънан юксалсагина одамийлик шарафига эга бўлар эканмиз. ...Шундай ҳикматни ўқиган эдим. Кунларнинг бирида математика фани устози доскага катта 1 рақамини ёзди ва деди: "Бу сизнинг тарбиянгиз, одамийлигингиз. Ҳаётда энг муҳим хислатлар шулар бўлади". 1 рақамдан кейин 0 ёзди ва деди: "Бу эса сиз эришган ютуқлар, тарбия билан сизни ўн каррага юксалтиради". Яна 0 - бу тажриба, қаранг, инсон "100"га тенг бўлди. Шундай қилиб, 0 ларни ёзверди - таълим, муҳаббат, омад... Ҳар битта қўшилган 0 одамни ҳар сафар 10 баробар юксалтираверди. Сўнгра устоз қатор бошида турган 1 рақамини ўчирди. Доскада кераксиз, маъноси йўқолган 0 лар қолди... Устоз деди: "Кўрдингизми, агар тарбиянгиз ва одамийлигингиз бўлмаса, қолган хислатларингиз сариқ чақага ҳам тенг эмас".

Бу ҳикматда чуқур маъно бор. Инсон одоби, хулқи билан гўзал. Демак, фарзандларимиз келажаги, мамлакатимиз эртаси ахлоқ-одобга, маънавиятга боғлиқ. Маънавияти юксак мамлакат тараққий этади, ривожланади.

Ер юзида шундай ўлкалар бор, фуқаролари ўқ овози эшитилмас кунлар келишини, барча оила жам бўлиб, дастурхон бошида тинч ўтиришни орзу қилади. Билмак, биз эртанги, индинги эмас, 2030 йилга мўлжалланган режаларни белгилаб, улар сари ҳаракат қилаямиз. Кейинги 7-8 йил ичида рўй берган ўзгаришларни кўз

ўнгимизга келтирсак, шунинг ўзи кифоя. Бугун ёшларга айтсак ишонимайди: бўм-бўш пештахталар, кундалик зарур маҳсулотлар учун талон тизими, нақд пул муаммоси, бир кунда икки соатгина бўлса-да электр энергияси берилишига рози одамлар, иш топишдаги, ўқишга киришдаги ечимни кўринмайдиган масалалар... Нураб ётган мактаб, касалхоналар.. Болалар боғчасига жойлаштиришдаги азоблар... Бу кечаги кун манзаралари! Улар кўпчилигимизнинг ёдимиздан кўтарилган, болаларимиз учун гўё эртақдек.

Бугун фарзандларимиз нуфузли анжуманларга мезбонлик қилаётган, оламни хайратга солаётган Янги Ўзбекистонни кўришяпти. Барча шароитлари муҳайё боғчалар, мактаблар, олий ўқув юрларини билишади. Улар Президент мактаблари, ихтисослаштирилган, ижод мактабларида таҳсил олишмоқда. Кеча болаларимизни "Қурилиш батальонларидан бошқасига ярамайди", деганлар бугун Ўзбекистон фарзандларининг билими, салоҳияти, жисмоний тайёргарлиги олдида лол қолишаётди. Президентимиз ёшлар билан учрашувда фахр билан таъкидладилар: 2024 йилда 150 мингдан зиёд ёшлар тил сертификатларини олган ва фан олимпиадаларида 166 та медални қўлга киритган.

Шу йили Бразилияда ўтказилган 59-Халқаро Меңделеев кимё олимпиадасида Ўзбекистон ёшлари рекорд натижаларга эришдилар. Ёш билимдонларимиз 7 та медалга лойиқ қўрилди.

Ўзбекистон терма жамоаси ўз тарихида илк бор футбол бўйича жаҳон чемпионати - 2026 йилги мундиалга чиқишга муваффақ бўлди.

Ҳеч ким бир ҳақиқатни унутмаслиги керак, тараққиёт фақат иқтисодий ва сиёсий ислохотлар билан белгиланмайди. Мамлакатнинг ривожини, эртаси, энг аввал, маънавиятга боғлиқ. Шунинг учун ҳам



давлатимиз раҳбари маънавият ва маърифат соҳасига жуда катта эътибор қаратяпти, маънавият бошқа соҳалардан бир қадам олдинда юриши кераклигини бот-бот эслатапти. Чунки маънавият оқсаса, жамият таназзулга юз тутаяди.

Дарҳақиқат, бугун Янги Ўзбекистон фуқаролари янгиликлар фикрлай бошламоқда. Фарзандларини илм олишга, дунёни маърифат билан хайратга солиш мумкинлигига ишонтиришяпти.

Қайд этиш лозим, мамлакатимиз раҳбари ташаббус билан ёш авлод камолоти йўлида бошқаларга ҳам ибрат бўладиган, ҳавас қиларли ислохотлар амалга оширилмоқда. Биргина қизларнинг маърифатли, билимли, касб-хунарли бўлишлари учун қилинаётган ишларнинг санаб адоғига етиш қийин. Олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан, сиртки ва кечки таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фоизсиз таълим кредитлари ажратилиши, магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари қайтариш шартисиз қопланаётгани, ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим контрактлари маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтариш шартисиз қоплаб

борилиши, ана шундай оила қизлари учун 4 фоизли квота ажратилаётгани, мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган 500 нафар хотин-қиз ҳар йили Оила ва хотин-қизлар кўмитасининг тавсияномаларига асосан давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият йўналишларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш амалиётининг жорий этилиши... Буларнинг бари хотин-қизларимизга бўлган юксак эътибордан далолат беради. Зотан, битта қиз

болани ўқитсак, бутун оилани ўқитган бўламиз. Илмли, маърифатли оилалар қанча кўпайса, жамиятнинг ҳар тарафлама равақ топиши шунча тезлашади.

Шу ўринда эътироф этиш керакики, ёшлар маънавиятини янада юксалтириш борасидаги хайрли ишларнинг манткий давоми сифатида мустақиллигимизнинг 34 йиллик тантаналари олдида Қашқадарё вилоятида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. "Ватан учун, миллат учун, халқ учун!"

шиори остида Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маҳаллалар уюшмаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда қатор вазирилик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда вилоятимизда умуммиллий бирдамлик фестивали ҳар бир маҳалла ва кўчада ўтказилмоқда. "Инсон қадрини", "Умуммиллий бирдамлик", "Дилдаги гаплар", "Маслаҳат оши", "Фаровон ҳаётга илк қадам", "Бахтли болалик шарафига", "Китоб марафони" акцияси, "Шижоат" ватанпарварлик лойиҳаларида турли миллат вакиллари, маҳаллалардаги 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ёш-у қариялар иштирок этишди. Фестиваль доирасида 70 та маҳаллада турли хайрли тadbирлар ўтказилди. Айниқса, "Инсон қадрини" лойиҳаси давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилгани, "Китоб марафони" доирасида Миришкор тумани ахборот-кўтубхона маркази ҳамда ёшларга 400 дан ортиқ бадиий адабиётлар тақдим этилгани эътиборга лойиқ. "Ватан учун, миллат учун, халқ учун!" шiori остида ўтказилган гала-концерт аҳолини бир максad йўлида жамлашда аҳамиятли бўлди. Байрам арафасида эзгу ишлар давоми бўляпти.

Қашқадарё вилояти ҳокими бошчилигида 30 нафар ёшларнинг никоҳ ва 160 нафар эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилгани байрам кайфиятига янада кўтаринкилик бахш этди. Ёш келин-куёвларга замонавий телевизор ва 5 миллион сўмлик ваучер, суннат тўйи бўлаётган болажонларнинг ҳар бирига велосипед ҳамда 1 миллион сўмдан омонат дафтарчаларига маблағлар ўтказиб берилди.

Шубҳасиз, инсон қадр топаётган, оқибат деворлари мустаҳкамланаётган юртда аждодларга муносиб авлод воғда этади. Ахир биз ғурур билан айтаётганимиз - инсоният тараққиётининг негизи бўлган икки Ренессансга асос солган аждодларнинг авлодларимиз. Қатъиятимиш, аҳд-у шижоатимиш, бирдамлиг-у аҳиллигимиз ва, албатта, юксак маънавиятимиш билан Учинчи Ренессансга пойдевор қўямиз.

## ФАХРИЙЛАРИМИЗ - ФАХРИМИЗ

**Халқ билан мулоқот қилиш ва инсонлар дard-у ташвиши билан яшаш долзарб ҳаётий аҳамиятга эга. Бу эса барча даражадаги раҳбарлар, жумладан, сиёсий партиялар масъуллари, депутатлар ва фаолларимиз зиммасига юксак масъулият юклаши табиий. Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги "Акбар" фермер хўжалиги иш бошқарувчиси, Ўзбекистон ХДП аъзоси Шайдулло Қурбонов ҳам ана шундай замондошларимиздан. 71 ёшни қарши олган партиямиз фахрийси ҳар ишда фаол, ҳар соҳада ибрат, ҳар жабҳада ўрناق бўлгулик.**

– Ҳаёт ҳар доим ҳам бошимизни силамаган, – дейди Шайдулло ота ўйга толиб. – Собиқ тоталитар тузум давридаги қийинчиликлар дейсизми, долғали дамларнинг изтиробларими, бари хотирамда муҳрланиб қолган. Биласизми, болалигимиз фақат меҳнат билан ўтган. Тонг отгандан қоронғу тушгунча меҳнат қилардик. Қўй боқиш, ариқ қазиш, галла экиш, сув қўйиш, буғдой ўриш, хуллас, катталар қилган ҳамма ишга қўмақлашганмиз.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин тинка-мадори қуриган халқ қурилиш ва бунёдкорликларга жалб қилинган. Одамларнинг бугун топгани эртасига етмаган. Мустақиллик туфайли элимизнинг қадди тик бўлди. Қадрият ва урф-одатларимиз қайта дунёга келди.

1991 йилда "Акбар" фермер хўжалигини ташкил этдик. Тасарруфимизда 360 гектар ер майдони бор. 300 гектари ёзги йилво бўлса, 60 гектари пахта ва галла экилади. 2,5 гектар боғда бодом етиштирамиз. 350 бош

# СЕРМАЗМУН ВА ИБРАТЛИ

қўй, 20 бошдан ортиқ қорамол ва юзга яқин парранда боқилаётган бўлса, 1 гектарни ҳовуз қилиб, балиқчиликни йўлга қўйганмиз.

Уйга туташ томорқада 5 сотих иссиқхонамиз ҳам бор. 20 тупга яқин лимон ҳар йили 8-10 тоннагача ҳосил беради. Помидор, бодринг, бақлажон, бўлғор қалампери, картошқа, пилёз эканмиз. Рўзгор учун гўшт, сут, тухум, балик, мева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотини сотиб олинмайди. Бунинг замирида пешона тери, меҳнат турибди.

Тўғриси айтиш керак, меҳнатга яраша манфаат кўрялмиш. Даромад кўнгилдагидек – йилдан-йилга баракали. Масалан, 2023 йилда соф фойда 80 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, ўтган йили 128 миллион сўмдан ошди. Жорий йилда эса бу курсаткичи 150 миллион сўмга етказишни режалаштирганмиз.

Ҳозирги кунда озиқ-овқат ҳавфсизлиги долзарб масала ҳисобланади. Бу борада ҳатто катта-кичик давлатлар ҳам рақобатлашмоқда. Манфаатлар тўқнашуви юзга келаяпти. Барқарорлиқни таъминлаш учун юртимизда барча зарур шароит ва қулайликлар яратилган. Шундан унумли фойдаланган ҳолда "Акбар"нинг рақобатбардош маҳсулотларини яқин келажакда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги билан хорижга экспорт қилиш ниятимиз бор. Орзулар ижобат бўлса, моддий манфаатдорлик яхшиланиши билан бир қаторда, кўплаб янги иш жойлари ҳам

яратилади.

– Шу йилнинг 16 июнь куни Президентимиз раислигида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш юзасидан видеоселектор йўғилиши ўтказилганда, – дейди "Нуроний" жамғармаси Шўрчи туман бўлими раиси, халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши депутати **Урол Чўтбоев**. – Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган тadbирда гўшт, сут, тухум, парранда гўшти нархи кескин ошиб кетишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиб,

масъулларга зарур топшириқлар берилди. Халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш устувор вазифа экани таъкидланди.

Суви зар, тупроғи тиллоларга тенг заминимиз бор. Бундан оқилона фойдалансак, йилнинг тўрт фаслида ҳам мўл ҳосил олиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсам, миришкор деҳқон-у уста боғбонларимиз ички имкониятларни ишга солишлари керак. Томорқа ер эгалари махсус "йўл харитаси" асосида фаолият юритса, албатта, бозорлар тўкин бўлишига ишонаман.

– Худудда 224 минг нафардан

ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда, – дейди **Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман Кенгаши раиси, халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши котибати мудири Ботиржон Ражабов**. – 53 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда 150 дан зиёд қишлоқ бор. Чорвачилик, боғдорчилик, паррандачилик, асаларчилик соҳалари ривожланмоқда. Томорқа ва иссиқхоналардан яхшигина даромад олаётганларни истаганча топиш мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик одамлар турмуш фаровонлиги яхшиланишининг қафолати бўляпти.

Шу билан бир қаторда йиллар давомида тўпланиб қолган масалалар ҳам йўқ эмас. Коммунал хизматлардаги нуқсонларни бартараф қилиш, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш долзарблигига қолмоқда. Аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш ҳамда вақтинчалик автомобиллар турар жойларини ташкил қилиш бугуннинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Фахрий партиядошимиз муаммолар ечимида кўпчиликка ибрат бўлса, одамларнинг қувонч-у ташвишига доимий шерик. Ана шундай сафдошларимиз бор экан, кўнгиллар хотиржам, рўзгорлар обод, дастурхонлар файзли, юрт тараққиёти бардавом бўлиши муқаррар.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
"Ўзбекистон овози"  
муҳбири.



## ТАЪЛИМ



Шухрат БОЙМУРАДОВ,  
Тошкент давлат тиббиёт  
университети ректори.

# ЯНГИ АВЛОД ТИББИЁТ МУТАХАССИСЛАРИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЯНЧИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Этиборли жиҳати, тиббий таълим соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар кузатилмоқда. Президентнинг 2025 йил 22 апрелдаги "Тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ислохотларнинг муҳим пойдевори бўлди.

Мазкур қарорга мувофиқ Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институтлари бирлаштирилиб, ягона Тошкент давлат тиббиёт университети (ТошДавТУ) ташкил қилинди. Бу бирлашув тиббий таълимнинг барча йўналишини бир масканда жамлаб, ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга, кадрлар тайёрлаш тизимини тизимлаштиришга хизмат қилмоқда.

Олийгоҳларга академик ва молиявий мустақиллик берилди. Эндиликда университетлар ўз ривожланиш стратегияларини мустақил белгилаш, замонавий ўқув дастурларини жорий этиш, илмий-тадқиқот ишларига инвестиция киритиш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, янги ташкил этилган Тошкент давлат тиббиёт университетида Президент қарорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, университетнинг ягона Низоми тасдиқланиб, унинг асосида кадрлар тайёрлашни самарали йўлга қўйиш, илмий салоҳиятни ошириш ва моддий-техника базани мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар режаси тузилди.

Талабаларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Офис регистратори ташкил этилди. Ушбу бўлинмада 24 штат бирлигида ходимлар фаолият юритиб, талабаларга 52 турдаги хизматлар кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, ўқитишнинг кредит-модуль тизимида назарий ва амалий машғулотлар 50:50 нисбатда ташкил этилди. Бу талабаларнинг амалий кўникмаларини

мустаҳкамлаш учун самарали ечимдир. Профессор-ўқитувчиларнинг йиллик юкмаси халқаро стандартларга мослаштирилди (1025 соатдан 825 соатгача туширилди). Бу уларга илмий иш билан чуқурроқ шуғулланиш учун қўшимча имконият яратди.

Талабалар учун замонавий электрон кутубхона базасини очиш мақсадида етакчи наشريётлар билан музокаралар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ўқув жараёнига "Виртуал поликлиника", "Face ID" ва "Электрон журнал" каби рақамли тизимлар жорий этилмоқда.

Шу ўринда, инновацион ривожланиш ва истиқболдаги режалар ҳақида ҳам сўз юритганда, тиббиёт соҳасидаги долзарб муаммолар бўйича маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш асосида илмий-тадқиқот ишлари мавзулари шакллантирилаётганини таъкидламоқ жоиз. Университетда Сунъий интеллект лабораторияси ҳамда тиббиёт муҳандислигига ихтисослашган илмий-

техника технопаркинни ташкил этиш бўйича ишлар ҳам бошлаб юборилган. Ушбу марказлар тиббиётдаги инновацион ишланмаларни яратиш ва уларни тижоратлаштиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда тиббиёт таълимидаги ислохотлар фақатгина билим бериш билан чекланиб қолмасдан, меҳнат бозорига талаб юқори бўлган, амалий кўникмаларга эга, халқаро стандартларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашга қаратилган. "Университет – илмий инновацион фаолият – тижоратлаштириш – амалиёт" экотизими эса тиббиётда юқори технологияли махсулотлар яратиш, уларни маҳаллий ва халқаро бозорга олиб чиқиш, биотиббий инновацияларни миллий патентлар билан ҳимоя қилиш мақсадларига йўналтирилган.

Бугунги кунда университетимиз фаолиятининг ҳар бир соҳасида, шу жумладан, ўқув, илмий ва маъмурий жараёнларда шаффофлик ва ҳалолликни таъминлаш асосий устувор вазифалардан бирига айланмоқда. Биз нафақат келажак шифокорларини, балки жамиятнинг энг муҳим кадриятларига содиқ, юксак маънавиятли ва адолатли мутахассисларни тайёрлашни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз. Олий таълим муассасамизда "Коррупциядан холи университет" лойиҳаси жорий этилаётгани алоҳида эътирофга лойиқ, албатта. Лойиҳага кўра, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва унинг ҳар қандай кўринишига қарши тизимли курашиш, бунинг учун эса таълим, қабул, имтиҳон жараёнлари, молиявий операциялар ва хизмат кўрсатиш соҳаларида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга жиддий ёндашилмоқда.

Таълим жараёнида имтиҳонларни шаффоф ўтказиш, талабалар билимини холис баҳолаш, баҳолаш мезонларини очиқ эълон қилиш, баъзи имтиҳонлар учун видеокузатув ёки онлайн-тест тизимлари жорий этилиши олийгоҳимизда фаолият юритаётган ўқитувчи-профессорлар ҳамда талабаларимизда бирдек

масъулият, қонун устуворлигига амал қилиш ҳиссини мустаҳкамлаб, турли коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишда айна мудоао бўлмоқда.

Очиқлик мезони кадрлар билан ишлаш йўналишида ҳам ўзининг амалий тасдиғини топаётганини қайд этмоқ ўринли. Ходимларни ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва уларнинг фаолиятини баҳолашда холисликни таъминлаш, кадрлар захирасини шакллантиришда очиқ танловларни ўтказиш анъана тусини олган.

Коррупция хавфи мавжуд бўлган жараёнларни рақамлаштириш ва автоматлаштириш, масалан, талабалар учун "онлайн-мурожаат" платформаси, имтиҳон натижаларини эълон қилишнинг ягона электрон тизими яратилиши ҳар томонлама ўзининг ижобий натижасини беради. Худди шундай, талабалар, ота-оналар ва жамоатчилик учун коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш мумкин бўлган махсус "ишонч телефонлари" ва онлайн-каналлар ташкил этилиши, барча мурожаатларнинг махфийлиги кафолатланиши пировардида ўқитиш сифатини янги босқичга чиқаради. Бу янги авлод тиббиётчиларини тайёрлашдек эзгу мақсадимиз сари одимларимизни янада жадаллаштиришимизга имкон беради.

«Коррупциядан холи университет» лойиҳаси бу фақат бир дастур эмас, балки бизнинг янги кадриятларимиз ва фалсафамизнинг асосидир. Ишонимизки, мазкур лойиҳа университетимизнинг жаҳон даражасидаги илм-маърифат марказига айланишига хизмат қилади. Университет жамоаси, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва ота-оналарни ушбу лойиҳани қўллаб-қувватлашга ва унда фаол иштирок этишга чақириб қоламиз. Фақат биргалликда биз ҳалол, адолатли ва коррупциядан холи муҳитни ярата оламиз. Тошкент давлат тиббиёт университети нафақат миллий эҳтиёжларни қондирувчи, балки глобал миқёсда рақобатбардор мутахассислар тайёрлайдиган, илмий-инновацион марказга айлантиришда бу жуда муҳим.

## “

БИЗ НАФАҚАТ  
КЕЛАЖАК  
ШИФОКОРЛАРИНИ,  
БАЛКИ ЖАМИЯТНИНГ  
ЭНГ МУҲИМ  
ҚАДРИЯТЛАРИГА  
СОДИҚ, ЮКСАК  
МАЪНАВИЯТЛИ  
ВА АДОЛАТЛИ  
МУТАХАССИСЛАРНИ  
ТАЙЁРЛАШНИ ЎЗ  
ОЛДИМИЗГА МАҚСАД  
ҚИЛИБ ҚЎЙГАНМИЗ.

## ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – АҲОЛИ МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ УСТУВОР МАҚСАД



## ТАДБИР

Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш мақсадида жорий йилнинг январь ойида "Хавфсиз ва соғлом пойтахт" ҳамда апрель-май ойларида "Хавфсиз ва соғлом юрт" кенг қамровли тезкор-профилактик тадбирлари ўтказилди. Ушбу жараёнларда тўпланган ижобий тажрибадан келиб чиқиб, 15 июлдан 15 августга қадар "Хавфсиз ва соғлом юрт" тадбирининг иккинчи босқичи амалга оширилди.

Бу ҳақда Ички ишлар вазирлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълум қилинди. "Хавфсиз ва соғлом юрт" тадбирлари доирасида Ички ишлар вазирлиги ва худудий бўлинмалардаги шахсий таркиб кучайтирилган тартибда, мамлакатимиздаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда хизмат олиб борди, – дейди ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Бекмурод Абдуллаев. – Ушбу тадбирнинг иккинчи босқичида

14 минг 167 та тезкор-қидирув тадбири ўтказилиб, 2 минг 599 та гиёҳвандлик, 1 минг 576 та уюшган жиноятчилик, 1 минг 650 та коррупция ва 4 минг 653 та бошқа йўналишларда ноқонуний ҳолатлар аниқланди ва тезкор тадбирлар биринчи босқичга нисбатан уч бараварга кўпайишига эришилди.

Гиёҳвандлик моддасининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш йўналишида тун-у кун фаолият кўрсатадиган "Call-марказ"га келиб тушган 598 та маълумот бўйича аҳолига ҳуқуқий ёрдам берилди ва тезкор-қидирув

тадбирлари ўтказилди. Натижада ноқонуний муомаладан жами 557,5 кг гиёҳвандлик воситаси, 376,5 минг дона кучли таъсир қилувчи дорилар олинди, 10,5 минг туп гиёҳвандлик ўсимликлари етиштирилаётгани аниқланди.

Бундан ташқари, тадбир давомида жами 91 та тарқатувчилар (закладкачилар) билан боғлиқ ҳолатда 34,5 кг гиёҳвандлик воситаси расмийлаштириб олинди ва интернетдаги нарқодўконлар рекламаси акс этган 1 751 дона "нарқографити" аниқланиб, ўчирилди.

Тезкор тадбирлар давомида жиноий гуруҳ ва шахслардан 858 та пневматик қурол, 2 716 та ов қуроли ва ўқ-дори олинди. 1 033 нафар қидирувдаги шахс ушланиб, 584 нафар бедарак йўқолган шахслар оиласи бағрига қайтарилди.

Шу билан бир қаторда тадбир доирасида оғир ва ўта оғир жиноят содир этгани учун судланган 211 минг 796 нафар шахс билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб, 1 минг 444 нафари маъмурий назоратга, 125 минг 859 нафари профилактик ҳисобга олинди.

Пробация назоратидаги шахслар билан иш олиб бориш чуқурлаштирилди. "Сайёр суд"ларда тузалиш йўлига ўтган 7 минг 827 нафар шахс жазо ўташдан муддатидан илгари озод қилинди. Ота-онаси ёки васийлар томонидан тарбия, таълим ва таъминот вазифалари бажарилмагани оқибатида назоратсиз ва қаровсиз қолган 4 минг 799 нафар бола Вояга етмаганлар марказига жойлаштирилди.

ЙПХ инспекторлари томонидан 707 минг нафар қоидабузарлик

аниқланиб, ҳуқуқбузарларга тегишли 85 мингга яқин транспорт воситалари жарима майдонида жойлаштирилди.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида йўл ҳаракати иштирокчилари учун хавфсиз йўл шариотларини яратиш ва юзага келаятган тирбандликларнинг олдини олиш чоралари кўрилди. Хусусан, 18,7 мингга йўл белгиси, 270 та светофор ўрнатилди, 772 минг метр/кв йўл чизиклари чизилди, 580 қавариқ пиёдалар ўтиш жойлари ташкил этилди ва 7,1 мингга светофор таъмирланди. Ўзбошимчилик билан ёпиб қўйилган 18 маҳаллада ўрнатилган шлагбаум ва тақиқловчи йўл белгилари демонтаж қилиниб, транспорт воситаларининг ҳаракати тикланди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида йўл-транспорт ҳодисалари 41,3 фоизга камайди.

Тадбир доирасида маҳаллалар, аҳоли яшаш пунктлари, жамоат воситалари жарима майдонида хизмат кўрсатиш шохобчаларида хавфсизликни таъминлаш мақсадида 153 минг 816 та камера ўрнатилди. 6 минг 392 дўкон, 5 минг 949 хонадон техник, 2 минг 31 объект жисмоний қўриқловга олинди.

Профилактик тадбирлар натижасида ижобий натижалар кузатилиб, содир этилган жами жиноятлар ўтган ойнинг шу даврига нисбатан 29 фоизга камайишига эришилди. Олди олинishi лозим бўлган жиноят 39 фоизга камайган бўлса, ички ишлар органлари ходимларининг ташаббуси билан жиноятларни аниқлаш 50 фоизга яхшиланди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
"Ўзбекистон овози"  
муҳбири.

### КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биносида иссиқлик тизимига ўрнатилган ҳисоблагич (счётчик) ни доимий назорат қилиб, маълумот ҳисобини юритиш ҳамда ҳисобот тайёрлаш ишларини амалга ошириш бўйича танлов эълон қилади.

Тижорат таклифлари қуйидаги манзилда қабул қилинади:  
100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлардан 2025 йил 2 сентябрь соат 12:00 га қадар тижорат таклифлари қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: (71) 239-19-73

"АГРОБАНК" АТБ:

# "СУВЧИЛАР МАКТАБИ" - БЕБАҶО РЕСУРСДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШДА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҶА

**Сув ресурсларига бўлган глобал эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Ҳарорат кўтарилиши, дунё аҳолиси сони ўсиши ва иқтисодийнинг тез суръатларда ривожланиши сувдан оқилона фойдаланиш масаласини кун тартибига чиқармоқда. Зеро, сув тириклик манбаи, иқтисодий, қишлоқ хўжалиги ва саноат ривожланишининг энг муҳим омил ҳисобланади.**



Ўзбекистонда сув ресурсларининг асосий қисми Амударё ва Сирдарё дарёлари, ички дарё ва сойлар ҳамда ер ости сувларидан иборат. Сув тақсмоти ва ундан фойдаланишда жиддий муаммолар мавжудлиги, умумий сув истеъмолининг катта қисми қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига йўналтирилгани ушбу ресурсни тежашни, айниқса, суғориш тизимидаги йўқотишларнинг олдини олишни тақозо қилаётир. Марказий Осиёдаги музликларнинг тез эриш жараёни ҳам сув ресурслари қамайишига олиб келаётгани ҳақиқат.

Шу нуқтаи назардан, қолаверса, давлатимиз раҳбари ҳузурида 2023 йил 18 апрелда сув соҳасини ислоҳ қилиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириққа асосан "Агробанк"

Пресс-турда масъуллар "Агробанк" АТБ томонидан молиялаштирилган "Сувчилар мактаби" биринчи босқичда 155 туманда қисқа муддатли курслар орқали 61 мингдан ортиқ фермер ва соҳа мутахассислари замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлгани ҳақида маълумот берди. Шунингдек, бу жараёнда Туркия, Хитой ва Испаниянинг илғор тажрибалари ўрганилгани, хорижий ва маҳаллий мутахассислар иштирокида ўқув дастурлари ишлаб чиқилгани алоҳида қайд этилди. Шу ўринда "Сувчилар мактаби" фаолиятини йўлга қўйишда Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети билан ҳамкорлик ўрнатилгани ҳар жиҳатдан аҳамиятли экани

дастурлар ишлаб чиқилиб, республикамиз бўйича 13 ҳудудда замонавий ўқув хоналари ва 250 гектарлик тажриба майдонлари ташкил этилди. Лойиҳага 234 нафар (шундан 35 нафар хорижий) профессор-ўқитувчилар жалб қилинди.

Назарий билим, албатта, амалиёт билан мустаҳкамланади. Бунинг учун республиканинг 13 та ҳудудидаги ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари базасида 15-20 гектарлик илғор сув тежовчи технологиялар жорий қилинган тажриба майдонлари ташкил этилган. Томчилатиб, ёмғирлатиб ва дискрет суғориш тизимлари, автомат бошқарув ҳамда агрометеостанциялар ўрнатилган. Бунинг натижаси ўлароқ, биргина ўтган йилнинг ўзида 13 мингга яқин фермер хўжалик раҳбар-ҳодимларининг 4 мингга яқини сувни тежайдиган технологияларни ўз майдонларига татбиқ этди.

"2025 йил – сув хўжалигида насослар самардорлигини ошириш йили", деб эълон



қилинди. Давлатимиз раҳбари топшириқларига мувофиқ, «бир канал – бир тизим» тамойили асосида 13 канал тўлиқ замонавий сувни тежайдиган технологияларга ўтказилади, насослардан кўш фотоэлектр станциялари ёрдамида фойдаланилади. Шу билан биргаликда, жорий йилда "Агробанк"нинг "Агробоокс" лойиҳаси доирасида сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш бўйича 30 та методик қўлланма ишлаб чиқилди ва чоп этилди. Жорий йилда 10 мингдан ортиқ фермер ўқитилиши ва тажриба майдонларининг кенгайтирилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон қўшни давлатлар билан сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, трансгегаравий сувлардан барқарор ва адолатли фойдаланиш ҳамда минтақавий ҳамжиҳатликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари доирасида 2024-2025 йиллар мобайнида қатор амалий чоратadbirlar амалга оширилди.

Жумладан, "Сувчилар мактаби"да қўшни давлат мутахассислари учун ҳам махсус ўқув курслари ташкил этилди. Ушбу курсларда Қозоғистондан

– 12 нафар, Туркменистондан – 20 нафар, Тожикистон Республикасидан – 32 нафар ҳамда Афғонистондан – 15 нафар мутахассислар иштирок этди ва барча тингловчилар Ўзбекистондаги сув хўжалиги ва таълим тизими билан яқиндан танишди.

Глобал иқлим ўзгаришлари, сув ресурслари танқислиги ва бозор талаблари ўсиб бораётган бир пайтда анъанавий ғўза етиштириш услубларининг самардорлигини ошириш долзарб аҳамиятга эга. Айнан шу шароитда хорижий ғўза навларини экиш ва илмий ёндашувга асосланган интенсив технологияларни кенг қўллаш зарурати юзага чиқмоқда. Шу боисдан, "Сувчилар мактаби" ташаббуси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти билан биргаликда мавсумда хорижий ғўза навларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ва агроном мутахассислар учун махсус ўқув курслари ташкил этилди.

Ушбу курсларда республика бўйлаб 15 нафар маҳаллий ҳамда 2 нафар хитойлик

этиш бўйича фермер ва агрокластерлар раҳбарлари салоҳиятини оширишдан иборат бўлди.

Юқорида қайд этилганидек, республиканинг 13 та ҳудудидаги ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари базасида ташкил қилинган тажриба майдонлари лазерли текисланиб, замонавий сув тежовчи суғориш тизимлари жорий этилгани, бошқариш тўлиқ автоматлаштирилиб, сўнгги турдаги метеостанциялар ўрнатилгани ўз самарасини яққол кўрсатди. Яъни, бу орқали қишлоқ хўжалиги эканларининг сув сарфи 44 фоизга, ишчи кучи 50 фоизга, харажатлари 21 фоизга камайган ҳамда ҳосилдорлик 31 фоизга ошган.



**ПРЕСС-ТУРДА  
МАСЪУЛЛАР "АГРОБАНК"  
АТБ ТОМОНИДАН  
МОЛИЯЛАШТИРИЛГАН  
"СУВЧИЛАР МАКТАБИ"  
БИРИНЧИ БОСҚИЧДА  
155 ТУМАНДА ҚИСҚА  
МУДДАТЛИ КУРСЛАР  
ОРҚАЛИ 61 МИНГДАН  
ОРИТҚ ФЕРМЕР ВА СОҶА  
МУТАХАССИСЛАРИ  
ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ  
ВА КўНИКМАЛАРГА  
ЭГА БўЛГАНИ ҲАҚИДА  
МАЪЛУМОТ БЕРДИ.**

Қолаверса, 2025-2026 йилларда 155 та туманда 7 минг гектарда пахта ва ғалла етиштиришга мослашган тажриба майдонларини яратиш ишлари бошланган. Бунда ҳар бир туманда 30 гектардан майдонда кўш панелидан фойдаланган ҳолда ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш усуллари татбиқ қилинади.

Бир сўз билан айтганда, "Сувчилар мактаби" – бу нафақат таълим майдони, балки мамлакатимиз сув хўжалигидаги янги стратегик босқичнинг амалий ифодаси, фермерларнинг ишончли таянчи ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига хизмат қиладиган муҳим лойиҳадир.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
"Ўзбекистон овози"  
муҳбири.**



АТБ томонидан "Сувчилар мактаби" фаолияти йўлга қўйилди.

Ушбу мактабнинг асосий мақсади – фермерлар ва соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш, сувни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш ва "Сув текин" деган эски қарашдан бутунлай воз кечишидир.

Бу ҳақида "Сувчилар мактаби"га ташкил этилган пресс-турда сўз борди.

ҳам таъкидланди.

Лойиҳанинг 2024 йил 3 февралдан бошланган иккинчи босқичида энг асосий эътибор сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини оширишга қаратилди. Бунда аҳоли орасида шаклланган "Сув текин" тушунчасидан воз кечиш, сувни тежовчи технологияларни жорий этишни кенгайтириш ва сувни тўғри бошқарган ҳолда ҳосилдорликни ошириш мақсадида чуқурлашган

ҳам таъкидланди. Лойиҳанинг 2024 йил 3 февралдан бошланган иккинчи босқичида энг асосий эътибор сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини оширишга қаратилди. Бунда аҳоли орасида шаклланган "Сув текин" тушунчасидан воз кечиш, сувни тежовчи технологияларни жорий этишни кенгайтириш ва сувни тўғри бошқарган ҳолда ҳосилдорликни ошириш мақсадида чуқурлашган

мутахассис иштирок этди. Амалий машғулотлар республика бўйлаб "Сувчилар мактаби" тажриба майдонлари ҳамда хорижий ғўза навларини эккан хўжаликларда ўтказилиб, иштирокчиларга хорижий навларнинг ривожланиши, тупроқ ва иқлим шароитларига мослашув даражаси бўйича батафсил тавсиялар берилди.

Бу ўқув курсларининг асосий мақсади – сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, иқлимга мос хорижий ғўза навларини ўстириш, ҳосилдорликни ошириш ва замонавий агротехнологияларни жорий



Реклама ҳуқуқи асосида.

МУАССИС:



ЎЗБЕКISTON  
ХАЛҚ ДЕМOKPАТИК  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

ТАНРИР НАҲ'АТИ:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Olim RAVSHANOV

Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 837. 1620 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 22:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.